

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

**“Телекоммуникация технологиялари
ва касбий таълим” факультети**

“Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси

**« Рақамли мантиқий қурилмаларни
лойихалаштириш»**

фанидан лаборатория ишлари бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Фарғона-2016

**Кафедра услубий семинарида
муҳокама қилинган
баён № ____ 2016**

**Факультет услубий кенгаши
томонидан тасдиқланган
баён № ____ 2016**

**Филиал илмий –услубий
кенгаши томонидан
тасдиқланган
Баён № ____ 2016**

Тузувчи:

Г.Ф. Жўраева - ТАТУ Фарғона
филиали “Телекоммуникация
инжиниринги” кафедраси
ассистенти

Такризчи:

Ю. Мамасодиқов -
Фарғона Политехника Институти
доценти

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 1.

Мавзу: ВА мантикий элементи

Ишнинг мақсади: ВА мантикий элементи билан танишиш, хақиқийлик жадвалини яратишва элементи қатнашган мантикий функцияларни ҳисоблаш.



Назарий қисм.

Микропротсессор тизими (МПС) нинг асосий қурилмаси бўлган микропротсессор (МП) иккилик санок тизимида ишлагани учун командалар ва берилганлар шу санок тизимида ёзилади. Машинада сигналлар “0” ва “1”, яхни мос равишда паст ва юқори даражали сигналлар номи билан юритилади. Сигналларнинг бундай кўриниши ҳеч бир қийинчиликсиз мантикий ўзгарувчилар ёрдамида ифодаланади.

МП схемалари иккилик санок тизимида мантикий ва арифметик амалларни бажаради. “ВА”, “ЁКИ” ва “ИНКОР” схемалари асосида МП нинг ихтиёрий қурилмасини тўлиқ қуриш мумкин. МП да мантикий амаллар чекланган, лекин уларни ҳар бири исталган маротаба бажариши мумкин. [2]

Иккилик санок тизимида мантикий амалларни бажара оладиган **комбинатсион схемалар** билан танишиб чиқамиз. Комбинатсион схемалар рақамли схемалар бўлиб, уларнинг чиқиши ихтиёрий вақт давомида фақат киришига берилаётган сигналлар билан аниқланади.

«ВА» **схемаси** (мантикий кўпайтириш схемаси) икки ва ундан ортиқ мантикий қийматларни кўпайтиришни (конъюнксияни) бажаради. Расмда “ВА” схемасининг шартли белгиси кўрсатилган (а-махсус белги, б-тўғри тўрт бурчак кўринишидаги белги). Схеманинг чиқиши билан А ва Б киришлари орасидаги




“ВА” схемасининг белгиси.

боғланишларни $Y = A \wedge B = A * B$ муносабат билан ифодаланади. Схеманинг А ва Б киришларида 1 бўлгандагина Y чиқишда 1 сигнали ҳосил бўлади. Қолган ҳолларда схеманинг Y чиқишида ҳар доим “0” ҳосил бўлади.

“ВА” схемасининг иш жадвали


А	Б	$A \wedge B$
0	0	0
0	1	0
1	0	0
1	1	1

Рақамли ҳисоблаш техникасида асос элементлари бўлиб мантикий “ВА”, “ЁКИ”, “ИНКОР” элементлари хизмат қилади.



“ВА” мантикий элементи.

Ishlash prinsipi



X ва Y киришларга бир вақтда “1” сигнали берилса (яхни улагичлар бир вақтда уланса), Z чиқишда “1” сигнали ҳосил бўлади (яхни лампа ёришади). Киришлардан бирортасига ёки бир вақтда иккаласига «0» сигнали берилса (яхни улагичлардан бири ёки бир вақтда иккаласи уланмаган ҳолда бўлса), чиқишда «0» сигнали ҳосил бўлади (яхни лампа ўчган ҳолда бўлади).

«ВА» элементи мантикий функция сифатида $Z = X \& Y$, ҳамда $Z = X * Y$ ёки $Z = X \wedge Y$ кўринишлардан бирортасилф тасвирланаши мумкин

Мантикий элементларни ишлаб чиқариш технологияларининг бир қатор турлари мажуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ютуқ ва камчиликларига эга.

Масалан:

- униполяр транзисторларга асосланган технологиялар (н-МОП, р-МОП, КМОП);

- кристалда жойлашган элементлар зичлигини юқорилиги, кам қувват талаблиги, нархининг арзонлиги билан характерланади, лекин ташқи тасирларга ўта таҳсирчан, нисбатан тезкорлиги паст;

- биполяр технологиядаги (ДТЛ, ТТЛ, ТТЛШ, ЭСЛ, И²Л) элементлар ўта тезкорлиги ва ишончли ишлаши билан характерланади,

лекин элементлар зичлиги кам ва кўп энергия талаб қилади, тан нархи қиммат;

- интеграл-инжекцион технологиядаги (И²Л) элементлар юқоридаги икки технология орасидаги кўрсаткичларга эга.



ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 2.

Мавзу: Ёки мантикий элементи

Ишнинг мақсади: Ёки элементлари билан танишиш ва улардан амалиётда фойдаланиш.

Назарий қисм.


«ЁКИ» схемаси (мантикий қўшиш схемаси) икки ва ундан ортиқ мантикий қийматларни қўшишни (конъюнксияни) бажаради. Демак **“ЁКИ”** схемасининг кириши **“ВА”** схемасининг кириши сингари камида иккита бўлади. Расмда **“ЁКИ”** схемасининг шартли белгиси кўрсатилган (а-махсус белги, б-тўғри тўрт бурчак кўринишидаги белги). Схеманинг Y чиқиши билан A ва B киришлари орасидаги боғланишларни $Y = A \vee B$ муносабат



“ЁКИ” схемасининг белгиси.


билан ифодаланади. Схеманинг A ва B киришларида **0** бўлгандагина Y чиқишда **0** сигнали ҳосил бўлади. Қолган ҳолларда схеманинг Y чиқишида ҳар доим **“1”** ҳосил бўлади. **“ЁКИ”** схемасининг иш жадвали

A	B	$A \vee B$
0	0	0
0	1	1
1	0	1
1	1	1



Ёки мантикий элементининг диодлар билан ифодаланиши

Ishlash prinsipi



X va Y киришларга бир вақтда “0” сигнали берилса (яхни улагичлар бир вақтда уланмаган холда бўлса), Z чиқишда “0” сигнали ҳосил бўлади (яхни лампа ўчиқ холда бўлади). Киришлардан бирортасига ёки бир вақтда иккаласига «1» сигнали берилса (яхни улагичлардан бири ёки бир вақтда иккаласи уланса), чиқишда «1» сигнали ҳосил бўлади (яхни лампа ёришади).

«ЁКИ» элементи мантикий функция сифатида $Z = X + Y$ ҳамда $Z = X \vee Y$ кўринишларда тасвирланади.


Назорат саволлари:

1. Ёки мантикий элементини схемада белгиланишини чизиб беринг?
2. Ёки схемасининг иш жадвалини тушунтириб беринг?
3. Ёки мантикий элементини ишлаш принципини тушунтириб беринг?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 3.

Мавзу: Ва-емасмантикиэлементлари


“ВА-ЭМАС” схемаси “ВА” схемасининг натижасини аксини ҳосил қилади. Шартли белгиси 6-расмда келтирилган.



6-rasm. "VA-EMAS" sxemasining belgisi.

Схеманинг Y чиқиши билан A ва B киришлари орасидаги боғланиш $Y = \overline{A \wedge B} = \overline{A} \vee \overline{B}$ муносабатлари билан ифодаланади.

Агар кириш битта бўладиган бўлса, “ВА-ЭМАС” схемаси 6-расмдаги каби кўринишга эга бўлади.



7-rasm.

“ВА-ЭМАС” схемасининг иш жадвали куйидаги 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

A	B	$A \wedge B$	$\overline{A \wedge B}$	Ёки	$\overline{A}$	$\overline{B}$	$\overline{A} \vee \overline{B}$
0	0	0	1		1	1	1
0	1	0	1		1	0	1
1	0	0	1		0	1	1
1	1	1	0		0	0	0

Бу икки жадвал $\bar{Y} = \overline{A \wedge B} = \overline{A} \vee \overline{B}$ муносабатнинг исботи хамдир ва “ВА - ЭМАС” схемасининг 5-расм орқали ифодаланишига олиб келади.

Назорат саволлари:

1. “ВА-ЭМАС” элементининг шартли белгиланишини чизиб беринг?
2. “ВА-ЭМАС” схемасининг иш жадвалини тушунтириб беринг?
3. Схеманинг Y чиқиши билан A ва B киришлари орасидаги боғланиш қандай муносабатлар билан ифодаланади?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 4

Мавзу: Ёки-емас мантикий элементлари


Ишнинг мақсади ва вазмуни: Ёки-емас мантикий элементлари ва уларни схемада белгиланиши, чинлик жадвалини ўрганиш.

Назарий қисм

“ЭМАС” схемаси (инвертор) – “ЭМАС” (ё`қ, акси) амалини бажаради. Схеманинг A кириши билан Y чиқиши ўртасидаги муносабат $\bar{Y} = \bar{A}$ кўринишда ифодаланади. Бу ерда $\bar{A}$ “ЭМАСА” ёки “инверсия A” деб ўқилади. “ЭМАС” схемаси битта киришга ва битта чиқишга эга бўлиб, киришдаги сигнални акси чиқишда хосил бўлади. Унинг шартли белгиси 3-расмда келтирилган (а-махсус белги; б-тўғри тўртбурчак кўринишидаги белги).




а)



б)

3-rasm. “ЭМАС” схемасининг белгиланиши.


“ЁКИ-ЭМАС” схемаси “ЁКИ” схемасининг натижасини акси (4-расм).



4-rasm. "YOKI-EMAS" sxemasining belgisi.

Схеманинг $\overline{Y}$ чиқиши билан A ва B киришлари орасидаги боғланиш $Y = \overline{A \vee B} = \overline{A} \wedge \overline{B}$ муносабатлари билан ифодаланади.

Агар кириш битта бўлса, “ЁКИ-ЭМАС” схемаси 5-расмдагидек кўриниш олади.



5-rasm.

“ЁКИ-ЭМАС” схемасининг иш жадвалиқуйидаги 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

A	B	$A \vee B$	$\overline{A \vee B}$	Ёки	$\overline{A}$	$\overline{B}$	$\overline{A} \wedge \overline{B}$
0	0	0	1		1	1	1
0	1	1	0		1	0	0
1	0	1	0		0	1	0
1	1	1	0		0	0	0

Бу икки жадвал $\overline{Y} = \overline{A \vee B} = \overline{A} \wedge \overline{B}$ муносабатнинг исботи хамдир ва “ЁКИ - ЭМАС” схемасининг 4-расм орқали ифодаланишига олиб келади.

Назорат саволлари

1. Ёки-емас мантиқий элементининг схемада белгиланиши чизиб беринг?
2. Ёки-емас мантиқий элементининг хақиқийлик жадвалини тушунтириб беринг?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 5

Мавзу: Истесно ёки мантиқий элементи





Ишнинг мақсади ва мазмуни: Истесно ёки схемаси ва уни ихчамлаш, “Истесно ЁКИ” схемасининг иш жадвалини ўрганиш.

Назарий қисм

“Истесно ЁКИ” схемаси ва уни ихчамлаш. “Истесно ЁКИ” (“қарама-қарши”) схемаси қарама-қарши сигналлар устида амал бажаради, яхни схеманинг **Й** чиқишида **1** сигнали фақат **А** ҳамда **Б** киришларининг бирида **1** бошқасида **0** бўлгандагина ҳосил бўлади. Шартли белгиси расмда келтирилган.

“Истесно ЁКИ” схемасининг иш жадвали

A	B	$A \oplus B$
0	0	0
0	1	1
1	0	1
1	1	0



“Истесно ЁКИ” схемасининг шартли белгиси (a,b), ҳамда оддий (c) ва ихчамланган (g) схемалари.

Схеманинг **У** чиқиши ҳамда **А** ва **В** киришлари орасидаги муносабат $A \oplus B = (A \wedge \bar{B}) \vee (\bar{A} \wedge B)$ ёрдамида ифодаланади. **“Истесно ЁКИ”** схемасининг бу муносабатини амалга оширувчи схемаси расмда келтирилган. У беш элементдан таркиб топган.

Одатда рақамли схемаларни лойиҳалашда, схемадаги элементлар сони иложи борича камайтиради. Бундай ихчамлашни **“Истесно ЁКИ”** схемаси мисолида кўриб чиқамиз. Ихчамлаш масаласи Буле алгебрасининг асосий

муносабатлари ёрдамида хал қилинади. $A \oplus B = (A \wedge \bar{B}) \vee (\bar{A} \wedge B)$ ифодани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} A \oplus B &= (A \wedge \bar{B}) \vee (\bar{A} \wedge B) = A \wedge \bar{B} \vee \bar{A} \wedge B \vee A \wedge \bar{A} \vee \bar{B} \wedge B = \\ &= A(\bar{A} \vee B) \vee \bar{A}(A \vee \bar{B}) = (A \vee B) \wedge (\bar{A} \vee \bar{B}) = (A \vee B) \wedge \overline{A \wedge B}, \end{aligned}$$

чунки, $A \wedge \bar{A} = 0$, $B \wedge \bar{B} = 0$, $\bar{A} \vee \bar{B} = \overline{A \wedge B}$

Расмда янги ҳосил қўйилган мантикий ифодани амалга оширувчи **“Истесно ЁКИ”** схемаси келтирилган. Бу схемадаги жами элементлар биттага камдир.

Мантикий элементларинтеграл схема (ИС) кўринишида ишлаб чиқарилади. Шунинг учун улар ИС сингари классларга (синфларга) бўлинади.

Назорат саволлари:

1. **“Истесно ЁКИ ”** схемасининг бажарадиган амалини, иш жадвалини, чиқиши билан кириши орасидаги муносабатларни ва структура схемасини тушинтиринг.
2. **“Истесно ЁКИ ”** схемасини ихчамлашни амалга оширинг ва уни тушинтиринг.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 6.

Мавзу: Бул ифодалари асосида схемаларни синтезлаш.

Ишнинг мақсади: Мантикий аммаллар асослари, Бул алгебраси формулалари ва комбинацион схемаларни ўганиш.

Назарий қисм.

Математик мантиқнинг асосий қисмларидан бири - **мантиқ алгебраси** ҳисоблаш машиналарининг асоси ҳисобланади. Мантиқ алгебраси фикрлар билан иш кўради. **Фикр** деганда ҳақиқий ёки ёлгонлиги нуқтаи назаридан билдирилган ҳар қандай тасдиқ тушунилади. Фикрнинг ҳақиқийлиги ёки ёлгонлигидан бошқа аломатлари (яҳши, ёмон, нодир ва х.к) эҳтиборга олинмайди.

Мантиқ алгебрасида фикрларнинг ҳақиқийлиги 1 билан, ёлгонлиги 0 билан тенглаштириш қабул қилинган. Фикрларнинг бу иккили табиатига мослигини ҳисобга олиб, уларни **мантикий ўзгарувчилар** деб аташади. Фикрлар ёки мантикий ўзгарувчилар оддий бўлади ва латин алифбосининг кичик ҳарфлари - $x, y, z, x_1, x_2, a, b, \dots$ билан белгиланади.

Оддий фикрлардан мантикий ўзгарувчиларнинг иккили функциялари ҳисобланувчи мураккаб фикрлар тузилади. Мураккаб фикрлар катта ҳарфлар $A, B, C, D, E, F, \dots$ билан белгиланади ва кўпинча **мантиқ алгебрасининг функцияси** (МАНФ) деб аталади.

Мантиқ алгебраси элементар мантикий функциялар ёрдамида мантиқ алгебраси функцияларини ифодалаш ва ўзгартириш билан шуъулланади. МАФ ларини ифодалаш ва ўзгартириш масалалари хисоблаш машиналарини лойихалашда кенг қўлланилади.

Элементар мантикий функциялар қаторига аввало битта ўзгарувчи x нинг элементар функцияларини киритиш мумкин. Бу функциялар **хақиқийлик жадвали** деб аталувчи жадвалда келтирилган (1-жадвал). Умуман, хақиқийлик жадвали аргументларнинг (мантикий ўзгарувчиларнинг) мумкин бўлган тўпламларидан хар бирига мос функция қийматини акслантиради. 1-жадвал

Функция	x аргументли функция қиймати		Функция белгиси	Функция номи
	0	1		
ϕ_0	0	0	0	доимо ёльон
ϕ_1	0	1	x	ўзгарувчи
ϕ_2	1	0	$\bar{x}$	инкор
ϕ_3	1	1	1	доимо хақиқий

Чинлик жадвали ва Бул алгебраси

Иккита x ва y ўзгарувчиларнинг элементар мантикий функцияларини кўрайлик. 2-жадвал.

Функция	x, y аргументли функция қиймати				Функция белгиси	Функция номи
	00	01	10	11		
ϕ_0	0	0	0	0	0	доимо ёльон
ϕ_1	0	0	0	1	$x \wedge y$	конъюнкция
ϕ_2	0	0	1	0	$x \bar{y}$	y бўйича тахқиқ
ϕ_3	0	0	1	1	x	x доимохақиқий
ϕ_4	0	1	0	0	$\bar{x} y$	x бўйича тахқиқ
ϕ_5	0	1	0	1	y	y доимо хақиқий
ϕ_6	0	1	1	0	$x \oplus y$	x ва y ни 2 нинг модули бўйича қўшиш
ϕ_7	0	1	1	1	$x \vee y$	дизъюнкция
ϕ_8	1	0	0	0	$x \uparrow y$	Пирс стрелкаси
ϕ_9	1	0	0	1	$x \sim y$	тенг қийматлилик
ϕ_{10}	1	0	1	0	$\bar{y}$	y доимо ёльон
ϕ_{11}	1	0	1	1	$x \rightarrow y$	импликация
ϕ_{12}	1	1	0	0	$\bar{x}$	x доимо ёльон

ϕ_{13}	1	1	0	1	$y \rightarrow x$	импликация
ϕ_{14}	1	1	1	0	x/y	Шеффер штрихи
ϕ_{15}	1	1	1	1	1	доимо ҳақиқий

2-жадвалдаги функциялардан бир қисми тривиал ҳисобланади. Масалан, $\phi_0=0$, $\phi_{15}=1$ ва $\phi_3=x$, $\phi_5=y$. Уларнинг ичида икkitаси элементар функциялардир - $\phi_{10}=y$, $\phi_{12}=x$. ϕ_2 ва ϕ_4 функциялари эса мос ҳолда y ва x бўйича таҳқиқи функциялари ҳисобланади.

Қолганларини қисқача тавсифлайлик:

- x ва y мантиқий ўзгарувчиларнинг **дизъюнкцияси**. Қисқача x ва y нинг дизъюнкцияси. $x \vee y$ каби белгиланади. « x ёки y » деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y мантиқий ўзгарувчиларнинг дизъюнкцияси мураккаб функция бўлиб, у фақат x ва y ёллон бўлгандагина ёллон ҳисобланади. (3-жадвал)

- x ва y мантиқий ўзгарувчиларнинг **конъюнкцияси**. $x \wedge y$ каби белгиланади. « x ҳам y » деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y нинг конъюнкцияси мураккаб функция бўлиб, у фақат x ва y ҳақиқий бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади. (4-жадвал)

3-жадвал

$0 \vee 0 = 0$
$0 \vee 1 = 1$
$1 \vee 0 = 1$
$1 \vee 1 = 1$

4-жадвал

$0 \wedge 0 = 0$
$0 \wedge 1 = 0$
$1 \wedge 0 = 0$
$1 \wedge 1 = 1$

- x ва y мантиқий ўзгарувчиларнинг **тенг қийматлилиги**. $x \sim y$ каби белгиланади. « x y га тенг қийматлик» деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y нинг тенг қийматлилиги мураккаб функция бўлиб, у фақат x ва y ҳақиқийликлари мос келгандагина ҳақиқий ҳисобланади (5-жадвал).

- x ва y ни **2 нинг модули бўйича қўшиш**. $x \oplus y$ каби белгиланади. « x ни y га 2 нинг модули бўйича қўшиш» деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y ни 2 нинг модули бўйича қўшиш мураккаб функция бўлиб, у фақат x ва y нинг ҳақиқийликлари мос келмаганда ҳақиқий ҳисобланади (6-жадвал). Бахзи адабиётларда бу функцияни **тенг қийматлилигининг инкори** деб ҳам аташади.

5-жадвал

$0 \sim 0 = 1$
$0 \sim 1 = 0$
$1 \sim 0 = 0$
$1 \sim 1 = 1$

6-жадвал

$0 \oplus 0 = 0$
$0 \oplus 1 = 1$
$1 \oplus 0 = 1$
$1 \oplus 1 = 0$

- x ва y нинг **импликацияси**. $x \rightarrow y$ каби белгиланади. «Агар x , унда y » деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y нинг импликацияси мураккаб функция бўлиб, у фақат x ҳақиқий, y ёллон бўлгандагина ёллон ҳисобланади (7-жадвал). Таҳкидлаш лозимки, импликация сабаб ва оқибат орасидаги боьланиш махносига эга эмас, яхни x нинг ҳақиқийлигидан y нинг ҳақиқийлик шарти келиб чиқмайди. Аксинча, импликация ёрдамида тузилган мураккаб

фикрнинг хақиқийлиги учун x нинг ёлгонлиги кифоя. ϕ_{13} функция $y \rightarrow x$ га мос келади.

- x ва y нинг **Шеффер штрихи**. x/y каби белгиланади. « x штрих y » деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y нинг Шеффер штрихи мураккаб функция бўлиб, у фақат x ва y хақиқий бўлгандагина ёлгон хисобланади (8-жадвал).

- x ва y нинг **Пирс стрелкаси**. $x \uparrow y$ каби белгиланади. « x Пирс стрелкаси y » деб ўқилади. Таҳрифи: x ва y нинг Пирс стрелкаси мураккаб функция бўлиб, у фақат x ва y ёлгон бўлгандагина хақиқий хисобланади (9-жадвал).

7-жадвал

$0 \rightarrow 0 = 1$
$0 \rightarrow 1 = 1$
$1 \rightarrow 0 = 0$
$1 \rightarrow 1 = 1$

8-жадвал

$0/0 = 1$
$0/1 = 1$
$1/0 = 1$
$1/1 = 0$

9-жадвал

$0 \uparrow 0 = 1$
$0 \uparrow 1 = 0$
$1 \uparrow 0 = 0$
$1 \uparrow 1 = 0$

10-жадвалда учта ўзгарувчили мантикий функция учун хақиқатлик жадвали келтирилган.

10-жадвал

Тўплам тартиб рақами	x_1, x_2, x_3 тўпламлари	ϕ функция қиймати
0	000	0
1	001	0
2	010	0
3	011	1
4	100	0
5	101	1
6	110	1
7	111	1

Бул алгебрасининг формуллари

- =
- 1) $X = x$
 - 2) $xy = yx$
 - 3) $(xy)z = x(yz)$
 - 4) $x \vee y = y \vee x$
 - 5) $(x \vee y \vee z) = x \vee (y \vee z)$
 - 6) $x(y \vee z) = xy \vee xz$
 - 7) $x \vee yz = (x \vee y)(x \vee z)$
 - 8) $\overline{x \vee y} = \overline{x} \overline{y}$
 - 9) $\overline{xy} = \overline{x} \vee \overline{y}$
 - 10) $x \vee x = x$
 - 11) $xx = x$
 - 12) $1x = x$

13) $0 \vee x=x$

Булардан ўрнига қўйиш принципи: агар $x = y$ бўлса, y холда x мавжуд бўлган ҳар қандай формулада, x ўрнига уни қўйиш мумкин ва бунда эквивалент формула олинади.

Хисоблаш системаларининг асосий техник базаси бўлган хисоблаш машиналари арифметик амаллар билан бир қаторда, *мантиқий* амалларни ҳамбажариш хусусиятига эга.

Бизга маолумки, *мантиқ* - бу фикрлаш шакллари ва қонунлари ҳақидаги фандир. *Мантиқ* математика эса *мантиқий* масалаларни ечиш учун расмий усулларни танлаш имконини ўрганиш билан шуғулланади. Электрон хисоблаш машиналарида ва умуман рақамли электрон техникасида асосан *мантиқий* математиканинг бошланғич бўлими - фикрларни (билдирилган ёки баён этилган) хисоблаш, яъни *мантиқий* алгебра қўлланилади. Баъзи адабиётларда *мантиқий* алгебрани XIX асрда фикрларни хисоблаш асосларини яратган инглиз олими Джордж Бул номи билан боғлайдилар, яъни Бул алгебраси деб ҳаматашади. Ҳозирги вақтда *мантиқий* алгебра ЭХМнинг ҳар хил узелларини анализ қилишда ва синтезлашда ҳамда *мантиқий* масалаларни машина ёрдамида ечишда кенг қўлланилади.

Ҳар қандай *мантиқий* функция (ҳақиқатлик) чинлик жадвали орқали берилганда аргументқийматларининг ҳар бир тўпламига мос равишда функциянинг қиймати 0 ва 1 ёки d кўринишида берилади (d белгиси функциянинг ноаниқ қийматини билдиради, унинг ўрнига баъзи ҳолатда 0 ёки 1 кўрсатиш мумкин). Функцияга ноаниқ (d) қийматни берадиган тўпламга маоносиз тўплам дейилади. Аргументларнинг барча тўпламларида фақат 0 ва 1 қийматлари билан аниқланган функцияни тўлиқ аниқланган, акс ҳолда қисман аниқланган дейилади.

Билдирилган фикрлар тушунчаси *мантиқий* алгебранинг дастлабки (бошланғич) тушунчаси бўлиб хизмат қилади. Билдирилган фикр сифатида тўғри (ҳақиқий) ёки нотўғрилиги нуқтаи-назаридан билдирилган ҳар қандайтасдиқ тушунилади. Фикрнинг бошқа сифат белгилари (яхши, ёмон, нодир, адабий, сиёсий ва х.) эотиборга олинмайди. Фикр фақат ҳақиқий (тўғри) ёки нотўғри бўлиши мумкин. Фикрнинг бўлиши мумкин бўлган ҳолатлари сифатида тўғри ёки нотўғрилигини айтиш мумкин. Фикрларнинг шу иккилик табиатига мослигини эотиборга олиб, уларни *мантиқий* ўзгарувчилар деб аташга келишилган ва латин алифбосининг ҳарфлари билан белгилаш қабул қилинган. Бунда фикрнинг тўғри ҳолига 1 қиймати ва нотўғри ҳолига 0 қиймати берилади. Фикрлар содда ва мураккаб бўлиши мумкин. *Содда фикр* деб, ҳақиқийлик қиймати бошқа қандайдир фикрнинг ҳақиқийлик қийматига боғлиқ бўлмаган фикрга айтилади. Мисол сифатида қуйидаги икки фикрни келтиришимиз мумкин:

$x =$ «Ўзбекистон Республикаси Осиё қитоасида жойлашган»;

$y =$ «Оптика математика фанининг бир қисми».

Биринчи фикр ҳақиқий, иккинчиси нотўғри, яъни ҳақиқатга тўғри келмайди. Шунинг учун уларни қуйидагича ёзиш ўринли бўлади: $x=1$, $y=0$.

Мураккабфикр деб, хақиқийлик қиймати бошқа фикрларнинг хақиқийлик қийматига боғлиқбўлганфикрга айтилади. Шунинг учун хар қандаймураккаб фикрни ўз таркибига кирувчи содда фикрларнинг ёки баози иккилик аргументларнинг *мантиқий* функцияси сифатида қараш мумкин. Ўз навбатида мураккаб фикрлар ҳамжуда (ўта) мураккаб фикрларнинг аргументлари бўлибхизмат қилиши мумкин. Умуман, *мантиқий* функция куйидагича таорифланади:

$\phi(x_1, x_2, \dots, x_n)$ *мантиқий* функция дейилади, агар у ҳамўз аргументлари сингари фақат икки қийматни қабулқилиши мумкин бўлса, бу қийматлар сифатида юқорида кўрсатиб ўтилганидек 0 ва 1 символлари қўлланилади. *Мантиқий* функцияларнинг аргументлари фақат икки қийматни қабулқилиши мумкинлиги туфайли хар қандаймантиқий функциянинг аниқланиш сохаси чекланган. Шунинг учун хар қандаймантиқий функция аргументларининг қийматларига боғлиқбўлганўзининг қийматлари жадвали ёрдамида берилиши мумкин.

Мисол. Учта аргументга боғлиқбўлган $\phi(x_1, x_2, x_3)$ ва $\psi(x_1, x_2, x_3)$ *мантиқий* функциялар қийматлари 1-жадвалда берилган. Аргументларнинг қийматлари мажмуасига тўплам дейилади ва $a_1, a_2, \dots, a_n, \dots, a_n$ билан белгиланади, бу ерда a_i бирга ёки нолга тенг ($i=1, 2, \dots, n$).

1-жадвалда берилган функциялар саккизта тўпламларда аниқланган. $\phi(x_1, x_2, x_3)$ функцияси (0,0,1) ва (0,1,1) тўпламларда бирга, барча бошқа тўпламларда эса нолга тенг;

1-жадвал

x_1	x_2	x_3	$\phi(x_1, x_2, x_3)$	$\psi(x_1, x_2, x_3)$
0	0	0	0	0
0	0	1	1	0
0	1	0	0	0
0	1	1	1	1
1	0	0	0	0
1	0	1	0	1
1	1	0	0	1
1	1	1	0	0

$\psi(x_1, x_2, x_3)$ функцияси эса (0,1,1), (1,0,1) ва (1,1,0) тўпламларда бирга, барча бошқа тўпламларда эса нолга тенг.

мантиқий функцияларнинг баози хусусиятларини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

1. Хар қандайн аргументли *мантиқий* функция 2^n та тўпламларда аниқланади.

Хақиқатдан хамаргументларнинг хар бир тўпламига (наборига) n -хонали иккилик рақамни кўрсатиш мумкин. n -хонали иккилик рақамларнинг сони эса 2^n га тенг.

Мантиқ алгебрасига фақатгина иккита қийматни 0 ва 1 қабулқиладиган ўзгарувчилар курилади.

Ўзгарувчилар $x, y, z, \dots$ билан белгиланади. *Мантиқ* алгебрасида эквивалентлик

нисбати $\Leftrightarrow$ ва учта амал - дизъюнкция ($\vee$) (ёки амали) ($\vee$) коноъюнкция ($\wedge$) ($\wedge$ ва амали), инкор (емас) ($\bar{X}$). Эквивалентлик нисбати қуйидаги хусусиятларни қондиради. $x = x$ - рефлексивлик;

агар $x = y$ бўлса, y холда $x = y$ - симметриялик; агар $x = y$ ва $y = z$ бўлса, $x = z$ холда $x = z$ транзитивлик.

Булардан ўрнига қўйиш принципи: агар $x = y$ бўлса, y холда мавжуд бўлган ҳар қандай формулада, ўрнига уни қўйиш мумкин ва бунда эквивалент формула олинади.

Мантиқ алгебраси қуйидаги теоремалари:

Idempotentlik qonunlari

$$X \vee X = X$$

$$X \wedge X = X$$

Kommutativlik qonunlari

$$X \vee Y = Y \vee X$$

$$X \wedge Y = Y \wedge X$$

Assotsiativlik qonunlari

$$(X \vee Y) \vee Z = X \vee (Y \vee Z)$$

$$(X \wedge Y) \wedge Z = X \wedge (Y \wedge Z)$$

Distributivlik qonunlari

$$X \wedge (Y \vee Z) = (X \wedge Y) \vee (X \wedge Z)$$

$$X \vee (Y \wedge Z) = (X \vee Y) \wedge (X \vee Z)$$

Inkor qonunlari

$$X \vee \bar{X} = 1 \quad X \wedge \bar{X} = 0$$

$$0 \vee X = X \quad 1 \wedge X = X$$

$$1 \vee X = 1 \quad 0 \wedge X = 0$$

De Morgan teoremlari

$$\overline{X \vee Y} = \bar{X} \wedge \bar{Y}$$

$$\overline{X \wedge Y} = \bar{X} \vee \bar{Y}$$

Ikki marta inkor qonuni

$$\overline{\bar{X}} = X$$

Umumlashgan yopishish amallari

$$X \wedge Y \vee X \wedge Z \vee Y \wedge Z = X \wedge Y \vee X \wedge Z$$

$$(X \vee Z) \wedge (Y \vee Z) = (X \wedge Y) \vee Z$$

$$X \vee X \wedge Y = X \vee Y$$

$$X \wedge (X \vee Y) = X \wedge Y$$

Yutilish qonunlari

$$X \vee X \wedge Y = X$$

$$X \wedge (X \vee Y) = X$$

Yopishish amallari

$$X \wedge Y \vee X \wedge Y = Y$$

$$(X \vee Y) \wedge (X \vee Y) = X$$

Назорацаволлари:

1. Мантиқиямалларасослари.
2. Булалгебрасиформулалари.
3. Комбинационсхемалар қуриш
4. Мантиқ алгебраси теоремалари.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 7

Мавзу: Мантиқ алгебраси функцияларини минималлаштириш. Квайн усули.

Ишнинг мақсади ва вазмуни: Мантиқ функцияларини Квайн усули ёрдамида минималлаштириш.

Назарий қисм.

Бирор мантикий алгебра функциясини амалга оширувчи мантикий схемани куришдан аввал бу функцияни минималлаштиришга уриниб кўриш лозим. Кўпинча ДНШда берилган мантикий функциялар минималлаштирилади. Асосий мақсад – минимал ДНШни олишдир. Мантикий алгебра функциясининг минимал ДНШда барча дизъюнктив хадлардаги ўзгарувчилар ва уларнинг инкорлари сонларининг йиғиндиси бу функциянинг барча эквивалентидагига нисбатан кам бўлади.

Минималлаштириш, яъни берилган мантикий функция учун энг содда ифодани топиш, турли усуллар бўйича амалга оширилади. Қуйида баозилари билан танишиб чиқамиз.

Квайн усули. Ушбу усул минималлаштирилувчи мантикий функциянинг МДНШда берилишига асосланади. Минималлаштириш иккита босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда МДНШдан қисқартирилган ДНШга ўтилади. Бунда дастлабки мантикий функциянинг барча коноюнкциялари жуфтлари ўзаро таққосланади. Агар $Ax \vee \bar{x}$ каби коноюнкциялар учраса, улар орасида бириктириш амалга оширилади:

$$Ax \vee \bar{x} = Ax \vee A \vee \bar{x} \vee A$$

Натижада $A(n-1)$ даражали коноюнкция олинади. $Ax \vee \bar{x}$ коноюнкциялари эса дастлабки ифодада қолиб, МДНШнинг бошқа хадлари билан таққосланади. Дастлабки МДНШнинг бириктириш бажарилган n -даражали коноюнкциялари белгиланади. Натижада $(n-1)$ даражали элементар коноюнкциялар гуруҳи ва n -даражали коноюнкциялар гуруҳи хосил бўлади. Белгиланмаган коноюнкциялар оддий импликантлар ҳисобланиб, кейинчалик қисқартирилган ДНШга қўшилади. Сўнгра тавсифланган муолажа олинган $(n-1)$ даражали элементар коноюнкциялар гуруҳига қўлланилади, натижада $(n-p)$ даражали элементар коноюнкциялар гуруҳи ва p -даражали коноюнкциялар гуруҳи хосил бўлади. p -даражали коноюнкциялар оддий импликантлар (оддий импликантлар) олинади ва x . Босқич янгидан олинган p -даражали $(1 \leq p \leq n)$ элементар коноюнкциялар бир-бири билан бирикмай қолгандагина, яъни p -даражали оддий импликантага айлангандагина тугайди. Биринчи босқич бажарилиши натижасида барча оддий импликантларни ўз ичига оловчи ДНШнинг қисқартирилган ёзуви олинади.

Мисол. Қуйидаги мантикий функциянинг қисқартирилган ДНШни олиниши талаб қилинсин:

$$f = \overline{x_1} x_2 x_3 x_4 \vee x_1 \overline{x_2} x_3 x_4 \vee x_1 x_2 \overline{x_3} x_4 \vee x_1 x_2 x_3 \overline{x_4} \vee$$

$$\vee x_1 x_2 x_3 x_4 \vee x_1 x_2 x_3 \overline{x_4} \vee x_1 x_2 \overline{x_3} x_4 \vee x_1 x_2 \overline{x_3} \overline{x_4} \quad (1)$$

Эчиш. Бириктириш амали 1-4, 1-6, 2-3, 2-7, 3-4, 3-8, 5-6, 5-8, 7-8 коноюнкциялари орасида амалга оширилади. Дастлабки МДНШнинг барча коноюнкциялари бириктиришда қатнашади ва (1) дагидек тагига чизилади. Натижада дастлабки (1) мантикий функция куйидагича ёзилиши мумкин:

$$f = \overline{x_1} x_3 x_4 \vee x_2 x_3 x_4 \vee \overline{x_1} x_2 x_3 \vee \overline{x_2} x_3 x_4 \vee x_1 x_2 x_4 \vee \overline{x_2} x_3 x_4 \vee x_1 x_2 x_4 \vee$$

$$\vee x_1 x_3 x_4 \vee x_1 x_2 x_3$$

Олинган ифодада 3-9 ва 4-6 коноюнкциялар жуфтларини тагига чизиб, улар орасида бириктириш амалини бажарамиз. Натижада дастлабки (1) мантикий функциянинг қисқартирилган ДНШ олинади:

$$f = \overline{x_1} x_3 x_4 \vee x_2 x_3 x_4 \vee \overline{x_1} x_2 x_4 \vee \overline{x_1} x_2 x_4 \vee x_1 x_3 x_4 \vee x_2 x_3 .$$

Минималлаштиришни бевосита ўзгартириш усули. Минималлаштиришнинг иккинчи босқичида қисқартирилган ДНШдан тупик ДНШга ўтилади ва уларнинг ичидан минимал ДНШ танлаб олинади. *Тупик ДНШ* қисқартирилган ДНШдан ортиқча оддий импликантларини аниқлаб чиқариб ташлаш ёли билан олинади. *Ортиқча оддий импликантлар* деганда мантикий функция қийматининг ўзгаришига олиб келмайдиган қисқартирилган ДНШнинг чиқариб ташланган хадлари тушунилади. Тупик ДНШни олиш учун *импликант жадвали (матрицаси)* тузилади. Жадвалнинг қаторлари қисқартирилган ДНШнинг оддий импликантлари билан белгиланса, устунлари дастлабки мантикий функция МДНШнинг минтермлари билан белгиланади. Қаторда ҳар бир оддий импликанта қаршисига у 1 қийматини қабул қилувчи наборлар таги × белгиси билан белгиланади; мос минтермлар ушбу оддий импликанта билан сингдирилади (қопланади).

1-жадвал (1)нинг имликанта жадвали ҳисобланади.

1-жадвал.

Оддий импликантлар	Минтермлар							
	$\overline{x_1}x_2x_3x_4$	$x_1\overline{x_2}x_3x_4$	$\overline{x_1}x_2\overline{x_3}x_4$	$\overline{x_1}x_2x_3\overline{x_4}$	$x_1\overline{x_2}\overline{x_3}x_4$	$x_1\overline{x_2}x_3\overline{x_4}$	$x_1x_2\overline{x_3}\overline{x_4}$	$\overline{x_1}x_2\overline{x_3}\overline{x_4}$
$\overline{x_1}x_3x_4$	×			×				
$\overline{x_2}x_3x_4$	×					×		
$\overline{x_1}x_2x_4$			×	×				
$\overline{x_1}x_2x_4$					×	×		
$\overline{x_1}x_3x_4$					×			×
$\overline{x_2}x_3$		×	×				×	×

Оддий импликантларнинг умумий сонидан импликантлари мантикий функциянинг бирлик қийматларини қопловчи қисмини ажратиб олиш зарур; қолган импликантлар ортиқча ҳисобланади.

Тупик шаклларни шакллантириш ва минимал қопланишни танлаш мантикий функциянинг бирлик қийматларини қопловчи мажбурий оддий импликантларни аниқлашдан бошланади.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 6-оддий импликанта мажбурий ҳисобланади, чунки фақат у 2 ва 7-тўпламларда мантикий функциянинг бирлик қийматини қоплайди (бу тўпламларга мос устунларда фақат биттадан × белгиси бор). Аммо 6-импликанта 3 ва 8-тўпламга мос келувчи мантикий функциянинг бирлик қийматини ҳам қоплайди. Шундай қилиб, 1-5 оддий импликантлар қопланмаган 1, 4-6 тўпламлардаги мантикий функция қийматини қоплаши керак бўлади. Бу тўртта тўпламларни 1-5 импликантларнинг турли бирикмалари ёрдамида қоплаш мумкин, яъни бирталай тупик шакллар шаклланиб, уларнинг ичидан минимал ДНШ танлаб олинади.

Кўрилатган мисол учун импликанта жадвали бўйича қуйидаги минимал ДНШни аниқлаш қийин эмас.

$$f_{\min} = \overline{x_2}x_3 \vee \overline{x_1}x_3x_4 \vee \overline{x_1}x_2x_4.$$

Бошқа тупик шакллар учдан ортиқ оддий импликантларга эга ва, демак, минимал бўлмайди.

Квайн усулининг камчилиги сифатида p -даражали ($1 \leq p \leq n$) коноюнкциялар жуфтларини бир-бири билан тўла таққослаш заруриятини кўрсатиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, дастлабки МДНШдаги коноюнкцияларнинг катта сонидан усулнинг қўлланишига қийинчиликлар туғдиради.

Квайн-Мак-Класки усули. Ушбу усул таққосланувчи коноюнкциялар жуфтлари сонини айтарлича камайтириш имконини беради. Бунинг учун барча элементар коноюнкциялар таққослашдан аввал гуруҳларга ажратилади. Хар бир гуруҳга инкорсиз ўзгарувчиларнинг сони бир хил бўлган коноюнкциялар киритилади: u -гуруҳга ($u=0,1, \dots, n$) инкорсиз u та

Ўзгарувчига эга бўлган коноюнкциялар киритилади. Масалан, $n=4$ да биринчи гуруҳга ($u=1$)

$$x_1 x_2 x_3 x_4, x_1 x_2 x_3 \bar{x}_4, x_1 x_2 \bar{x}_3 x_4, x_1 x_2 \bar{x}_3 \bar{x}_4,$$

кўринишдаги коноюнкциялар, иккинчи гуруҳга ($u=2$)

$$x_1 x_2 x_3 x_4, x_1 x_2 x_3 \bar{x}_4, x_1 x_2 \bar{x}_3 x_4, x_1 x_2 \bar{x}_3 \bar{x}_4, x_1 \bar{x}_2 x_3 x_4, x_1 \bar{x}_2 x_3 \bar{x}_4$$

кўринишдаги коноюнкциялар киритилади ва х. Жуфтликларни таққослаш фақат тартиб рақами бўйича кўшни бўлган гуруҳлар орасида амалга оширилиши мумкин, чунки бирикувчи коноюнкциялар фақат кўшни гуруҳларда бўлиши мумкин. Минималлаштиришнинг Мак-Класки усулининг қолган муолажалари минималлаштиришнинг Квайн усулидагидек амалга оширилади.

Амалий қисм.

Мисол. $F(x) = \{1, 2, 3, 6, 7, 8\}$ функцияни Квайн усулида минимизация қилинг.

Эчиш: Берилган функция кўрсатилган нуқталарда чин қиймат қабул қилиб, қолган барча нуқталарида эса ёлғон қиймат қабул қилади. Мазкур функцияни чинлик жадвалидаги кўриниши қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

A	B	C	D	F(x)
0	0	0	0	0
0	0	0	1	1
0	0	1	0	1
0	0	1	1	1
0	1	0	0	0
0	1	0	1	0
0	1	1	0	1
0	1	1	1	1
1	0	0	0	1
1	0	0	1	0
1	0	1	0	0
1	0	1	1	0
1	1	0	0	0
1	1	0	1	0
1	1	1	0	0
1	1	1	1	0

1. Чинлик жадвалида функция қийматларини ҳосил қиламиз. Жадвалдаги чин қийматлар сони, функциянинг кўрсатилган нуқталари сони билан тенг бўлиши керак.

2. Жадвал ёрдамида Квайн усулини қўллаган ҳолда функциянинг кўриниши ҳосил қиламиз. Чин қийматга эга сатрларни инобатга оламиз, қолганлари эса ўз номи билан ёлғон қийматли.

Чин қиймат бўлса, ўзи агар ёлғон қийматга эга бўлса, инкори олинади. Яони ростда А,Б,С ёки Д олинади, ёлғон бўлса, унинг инкори олинади.

$$\begin{aligned} & \bar{A}\bar{B}\bar{C}D + \bar{A}\bar{B}C\bar{D} + \bar{A}\bar{B}CD + \bar{A}B\bar{C}\bar{D} + \bar{A}B\bar{C}D + \bar{A}B\bar{C}\bar{D} = \\ & \bar{A}\bar{B}C(\bar{D} + D) + \bar{A}\bar{B}C(\bar{D} + D) + \bar{A}\bar{B}\bar{C}D + \bar{A}\bar{B}\bar{C}\bar{D} = \\ & \bar{A}\bar{B}C + \bar{A}\bar{B}C + \bar{A}\bar{B}\bar{C}D + \bar{A}\bar{B}\bar{C}\bar{D} = \\ & \bar{A}C(\bar{B} + B) + \bar{A}\bar{B}\bar{C}D + \bar{A}\bar{B}\bar{C}\bar{D} = \\ & \bar{A}C + \bar{A}\bar{B}\bar{C}D + \bar{A}\bar{B}\bar{C}\bar{D}. \end{aligned}$$

Назорат саволлари:

1. Функцияларни минималлаштиришда асосий мақсад нимадан иборат?
2. Мантиқ алгебраси функцияларини қандай минималлаштирилади?
3. Квайн усулига мисол келтиринг?
4. Квайн-Мак-Класки усули.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 8 .

Мавзу: Мантиқ алгебраси функцияларини Карно картаси ёрдамида минималлаштириш.

Мақсад: Карно картаси ёрдамида минималлаштиришни ўрганиши.

Назарий қисм.

Мантиқий алгебарик функцияларни минималлаштириш дейилганда уларнинг мукамал дизъюнктив нормал шакл ёки мукамал конъюнктив нормал шакллардан дизъюнктив нормал ёки конъюнктив нормал шаклларни ҳосил қилиш тушунилади. Тўрт ўзгарувчи мантиқий алгебрлик функция учун Карно картаси умумий кўриниши қуйидагича бўлади.

Мантиқий алгебрлик функцияларнинг чинлик жадвалидаги 1 қийматларига мос келган пазицияларнинг тартиб рақамлари Карно картасидаги катакчаларнинг ҳолатига мос ҳолда олинади. Карно картаси ёрдамида минимизация қилинган мантиқий алгебраик функция Булалгебраси ёрдамида минимизация қилинган мантиқий алгебрлик функцияси билан бир хил бўлмайди. Лекин олинadиган натижа бир хил бўлади.

Карно картаси ёрдамида мантиқий алгебрлик функциялар қуйидаги тартибда минималлаштирилади. Аввало картага жойлаштирилган бирлар бўлақларга ажратилади: бўлақлар битта, иккита ёки тўрта элементдан иборат бўлиши шарт. Уч элементдан иборат бўлган бўлақ ҳосил қилиш мумкин эмас. Хар бир элемент ҳеч бўмаганда битта бўлақда қатнашиши шарт.

Амалий қисм.


Масалан бизга қуйидагича мисол берилган : $\Phi(x) = \{ 1, 2, 3, 6, 7, 8 \}$.

Эчиш : $\Phi(x)$ функция берилган нукталарда чин киймат қабул қилади.

Улар вертикал ёки горизонтал бўйича жуфт-жуфт ёки алоҳида танлани болинади ва Карно усули кулланилади.

Карно картаси

	00	01	11	10
00	0	1	3	2
01	4	5	7	6
11	12	13	15	14
10	8	9	11	10



Карно картаси асосида функция формуласини тузамиз (1-расм).

1.1-банддаги чин кийматларни аввало А томондан кураимиз. Бунда икки кийматимиз ҳам бир вақтнинг ичида А о гатегишли.

$B \rightarrow B, C \rightarrow C$. Дда еса D ва D_0 мавхумликни хосил қилади.

2.2-банддаги чинкий матларда ҳам юкоридаги кетма-кетлик бажарилади. $A \rightarrow A_0, B \rightarrow B_0, C \rightarrow C, D \rightarrow 0$.

3.3- банддаги чинкий матларда $A \rightarrow A_0, B \rightarrow B_0, C \rightarrow 0, D \rightarrow D$.

4.4- банддаги чинкий матларда $A \rightarrow A, B \rightarrow B_0, C \rightarrow C_0, D \rightarrow D_0$.

Умумий натижа куйидагича :

1	2	3	4
$A'BC$	$A'B'C$	$A'B'D$	$AB'C'D'$

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 9.


Мавзу: Мантикий элементлардан фойдаланиб комбинацион схемалар қуриш.

Ишнинг мақсади ва вазмуни

Комбинацион схемаларни ҳақида маълумот, комбинацион схемаларни шартли тасвирланиши, асосий хусусиятлари, Функцияни Вейч диаграммаси бўйича минималлаштириш, функциянинг ВА-ЭМАС базисдаги комбинацион схемаси билан танишиш.

Назарий қисм

Мантикий функцияни ёки мантикий функциялар мажмуасини амалга оширувчи мантикий элементлардан ташкил топган схема *комбинацион схема* (КС) деб аталади. Умумий ҳолда КС ни 1-расмда келтирилган схема орқали тасвирлаш мумкин.



1-расм. Комбинацион схеманинг шартли тасвирланиши.

$x_1, x_2, \dots, x_n$ - КСнинг кириш ёллари;

$y_1, y_2, \dots, y_k$ - КСнинг чиқиш ёллари.

Комбинацион схеманинг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- фақат мантикий элементлардан ташкил топади;
- хотирлаш қобилиятига эга эмас;
- тескари боғланиш занжирининг бўлмаслиги;
- чиқиш ёлининг битта ва ундан ортиқ бўлишлиги.

КС чуқурлиги (сатхлари сони) тушунчаси кенг ишлатилади ва у сигналнинг КС кириш ёлидан то чиқиш ёлигача бўлган ҳаракати ёлидаги мантикий элементлар сони билан аниқланади. КСнинг чуқурлиги унинг тезкорлигига катта таъсир этади, чунки ҳар бир мантикий элемент сигнал тарқалишининг ички кечикиши хусусиятига эга. КС қуришда ишлатиладиган элементлар бир қатор техник параметрлари орқали характерланади. Уларнинг ичидан кириш ёли бўйича бирлаштириш коэффициенти, чиқиш ёли бўйича тармоқланиш

коэффициенти ва мантикий элементдаги сигналнинг кечикиши параметрлари муҳим ҳисобланади.

Мантикий элементнинг кириш ёли бўйича бирлаштириш коэффициенти шу кириш ёлига уланиши мумкин бўлган мантикий элементлар сони орқали аниқланади.

Мантикий элементнинг чиқиш ёли бўйича тармоқланиш коэффициенти шу чиқиш ёлига уланиши мумкин бўлган мантикий элементлар сони орқали аниқланади.

КСнинг бирор-бир мантикий элементи чиқиш ёли бўйича ортиқча юкланган бўлса, КС структурасида эквивалент ўзгартиришлар ўтказиш орқали юкланишнинг камайишига эришилади.

Мантикий элементдаги сигналнинг кечикиши мантикий элементнинг кириш ёли ва чиқиш ёлида сигналлар ўрнатилиши онлари орасидаги вақт оралиғи орқали характерланади. КС бўйича сигналнинг тарқалиши, бу сигнал ўтувчи мантикий элементлардаги сигналнинг кечикишига боғлиқ ҳолда, КСнинг тезкорлигини характерлайди. КСда сигналнинг турли ёллар орқали тарқалиши турли кечикишларга олиб келиши ва натижада, КСнинг беқарор ишлашига сабаб бўлиши мумкин.

КСни синтезлаш масаласи мураккаб масала ҳисобланиб, унда берилган мантикий функцияни амалга оширувчи КСни кўрсатилган базисда лойихалаш талаб этилади. КСни синтезлашнинг аноанавий усули қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- берилган мантикий функциянинг МДНШ ёки МКНШ ҳосил қилинади;
- ҳосил қилинган функциянинг мукамал нормал шакли мантикий функцияларни минималлаштиришнинг ихтиёрий бир усули ёрдамида минималлаштирилади;
- олинган минимал функция кўрсатилган базисда ифодаланади, яъни оператор кўринишига келтирилади;
- функциянинг оператор кўринишидан схемага ўтилади.

Мисол. 1-жадвал шаклида берилган мантикий функцияни амалга оширувчи КСни ВА-ЭМАС базисда синтезлаш талаб этилсин.

Эчиш. Биринчи босқичда жадвал бўйича мантикий функциянинг МДНШ тузилади:

$$f_{\text{МДНШ}} = \overline{x_1} \overline{x_2} x_3 \vee \overline{x_1} x_2 \overline{x_3} \vee x_1 \overline{x_2} \overline{x_3} \vee x_1 x_2 x_3.$$

Иккинчи босқичда ҳосил қилинган МДНШ Вейч диаграммаси ёрдамида минималлаштирилади (2-расм).

	$\overline{x_1} \overline{x_2}$	$\overline{x_1} x_2$	$x_1 \overline{x_2}$	$x_1 x_2$
$\overline{x_3}$			1	
x_3		1	1	1

2-расм. Функцияни Вейч диаграммаси бўйича минималлаштириш.


Минималлаштириш натижасида $f_{\min} = x_1x_2 \vee x_2x_3 \vee x_1x_3$ олинади.

Учинчи босқичда функциянинг минимал шакли ВА-ЭМАС базисда ифодаланади:

$$f_{\min} = x_1x_2 \vee x_2x_3 \vee x_1x_3 = \overline{(x_1x_2)} \cdot \overline{(x_2x_3)} \cdot \overline{(x_1x_3)}.$$

Тўртинчи босқичда функциянинг базис кўринишидан схема кўринишига ўтилади (3-расм).

Амалда КСни синтезлаш масаласи билан бир қаторда анализ масаласи ҳам кенг қўлланилади. КСнинг анализи синтезлаш масаласига тескари бўлиб, унда дастлабки маълумот сифатида КС берилади ва унинг ишлаш қонуниятини, яъни мантикий функцияни аниқлаш талаб этилади. Таъкидлаш лозимки, КСнинг анализи мантикий функцияни аниқлабгина қолмай, балки КСни соддалаштиришга, яъни унинг ишига таъсир этмайдиган ортиқча элементларни чиқариб ташлаш имконини беради.



3-расм. Функциянинг ВА-ЭМАС базисдаги комбинацион схемаси.

Назорат саволлари.

1. Мантикий элементлардан фойдаланиб комбинацион схемалар куриш.
2. Мантикий ифода ва ҳақиқийлик жадвалини биласизми?
3. Комбинацион схемаларни шартли тасвирланиши ва асосий хусусиятларини санаб беринг?
4. Функцияни Вейч диаграммаси бўйича минималлаштиринг?
5. Функциянинг ВА-ЭМАС базисдаги комбинацион схемасини тасвирланг?

4-семестр

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 1

Мавзу: Де-Морган қонунлари ва уларни комбинацион схемалар қуришда қўллаш.

Мақсад: Де-Морган қонунлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш.

Назарий қисм.

Мулохазалар, асосан, математиканинг предмети бўлиб хизмат қилади. Мантикий амаллар мулохазалар устида бажарилиб, уларнинг натижалари “РОСТ” ёки “ЁЛҒОН” қийматларидан бирига тенг бўлиши мумкин.

Мулохаза сифатида “РОСТ” ёки “ЁЛҒОН”лигини айтиш мумкин бўлган ихтиёрий гапни қараш мумкин. Масалан, “икки карра икки – тўрт” – мулохаза бўлади, чунки у рост, “Фарғона - Германиянинг пойтахти” ҳам мулохаза бўлади, чунки у ёлғон. Баозан, “РОСТ” сифатида 1 ва “ЁЛҒОН” сифатида 0 ёзишга одатланилган.

Ўқувчилар “Мантикий қўшиш”, “Мантикий кўпайтириш” ва “Мантикий инкор” амаллари билан таништирилади. Математикада бу амаллар учун махсус белгилар (номлар) қабул қилинган. Жумладан:

“Мантикий қўшиш” - $\vee$ (дизюнксия, “ЁКИ”, “+”)

“Мантикий кўпайтириш” - $\wedge$ (коноюнксия, “ВА”, “.”)

“Мантикий инкор” - $\neg$ (инкор, “ЭМАС”, “—”) каби белгиланади.

Бу амаллар учун қуйидаги мантик қонунлари ўринли:

Қонун	ЁКИ учун	ВА учун
Ўриналмаштириш	$x \vee y = y \vee x$	$x \wedge y = y \wedge x$
Ўринлаштириш	$x \vee (y \vee z) = (x \vee y) \vee z$	$x \wedge (y \wedge z) = (x \wedge y) \wedge z$
Тақсимот	$x \wedge (y \vee z) = (x \wedge y) \vee (x \wedge z)$	$x \vee (y \wedge z) = (x \vee y) \wedge (x \vee z)$
ДеМорган қонуни	$\overline{x \vee y} = \overline{x} \wedge \overline{y}$	$\overline{x \wedge y} = \overline{x} \vee \overline{y}$
Идемпотенсия	$x \vee x = x$	$x \wedge x = x$
Ютилиш	$x \vee (x \wedge y) = x$	$x \wedge (x \vee y) = x$
Уланиш	$(x \wedge y) \vee (\overline{x} \wedge \overline{y}) = \overline{y}$	$(x \vee y) \wedge (\overline{x} \vee \overline{y}) = \overline{y}$
Ўз акси билан амаллар	$x \vee \overline{x} = 1$	$x \wedge \overline{x} = 0$
Ўзгармаслар билан амаллар	$x \vee 0 = x, x \vee 1 = 1$	$x \wedge 1 = x, x \wedge 0 = 0$
Иккиламчи инкор	$\overline{\overline{x}} = x$	

Ўқувчилар билан қуйидаги каби мисоллар интерфаол усулда ечилади.

1-мисол. Берилган А, Б, Д, Э ўзгарувчиларнинг қиймати А - рост, Б - рост, Д - ёлғон, Э - ёлғон бўлганда қуйидаги мантикий амал натижаси қандай бўлади?

$$(\overline{A \vee B}) \wedge (\overline{D \vee E})$$

Ечиш: А-рост, Б-рост бўлганда $A \vee B$ - рост, ростнинг инкори эса ёлғон. Кейинги қавс ичидаги амалнинг натижаси қандай бўлишидан қатой назар ёлғон билан кўпайтмаси ёлғон натижа беради. Демак, жавоб: ёлғон

2-мисол. А – “Алишер 2-синфда ўқийди” ва Б – “Алишер 8 ёшда” мулохазалар берилган бўлса, қуйидаги мантикий ифодани сўзлар орқали ёзинг:

$$A \wedge B$$

Ечиш: Ифодада А ва Б мулохазаларнинг мантикий кўпайтмаси берилган. Мантикий кўпайтма “ва” боғловчисига мос келгани учун берилган мантикий ифода қуйидагича ўқилади: Алишер 2-синфда ўқийди ва 8 ёшда.

Алгебрада маолум бўлган айтишларга ўхшашларини келтирамиз. Маолумки, кўшиш ва кўпайтириш амали қуйидаги қонуниятларга бўйсунди:

$$x + y = y + x \quad (1) \text{ (кўшишнинг коммутативлик қонуни);}$$

$$2) (x + y) + z = x + (y + z) \text{ (кўшишнинг ассоциативлик қонуни);}$$

$$3) xy = yx \text{ (кўпайтиришнинг коммутативлик қонуни);}$$

$$4) (xy)z = x(yz) \text{ (кўпайтиришнинг ассоциативлик қонуни);}$$

$$5) x(y + z) = xy + xz \text{ (кўпайтиришнинг йиғиндиганисбатан дистрибутивлик қонуни).}$$

Шу айтишларга ўхшаш мантиқалгебрасида қуйидаги тенгқучлиликлар ўринлидир:

$$x \wedge y = y \wedge x \quad (3)$$

$$(x \wedge y) \wedge z = x \wedge (y \wedge z) \quad (4)$$

$$x \vee y = y \vee x \quad (5)$$

$$(x \vee y) \vee z = x \vee (y \vee z) \quad (6)$$

$$x \wedge (y \vee z) = (x \wedge y) \vee (x \wedge z) \quad (7)$$

$$x \vee (y \wedge z) = (x \vee y) \wedge (x \vee z) \quad (8)$$

Дизъюнксия ($\vee$) амали коммутативлик ва ассоциативлик хоссасига эгадир. тенгқучлиликлар эса $\wedge$ ва $\vee$ амалларнинг бир-бириганисбатан дистрибутив хоссасига эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, (8)

тенгқучлиликка ўхшаш оддий алгебра айтишлар (чунки $x + yz = (x + y)(x + z)$ айтиш эмас). Юқоридаги ўхшашлик асосида $x \vee y$ нинантикий йиғинди, $x \wedge y$ нинантикий кўпайтма деболишимиз мумкин. Бу ўхшашликни қўлдан чиқариш учун, алгебраик кўпайтмадан укта ($\cdot$) ёзилмаганидек (масалан, $x \cdot y = xy$),

мантикий кўпайтириш белгиси ($\wedge$) ни ёзмаймиз, яъни $x \wedge y$ нинг урнига xy ни ёзамиз. Бундан кейин мантикий ифода ларни соддалаштириш, уларда кавсларни камайтириш мақсадида қуйидаги чашартлашамиз:

1) бирор мантикий ифода инкор ишораси остида бўлса, уникал ссиз ёзамиз, яъни $\overline{(x \vee y)} \wedge z$ нинг урнига $\overline{x \vee y} \wedge z$ ни, ёки $\overline{x \vee y} \wedge z$ ни ёзамиз.

2) коноюнксиа белгиси дизъюнксия, импликасия ва эквивалентлик белгилариганисбатан мустахкам роқ боғлайди деб хисоблаймиз, яъни $(xy) \vee z$ урнига $xy \vee z$, $x \rightarrow (yz)$ урнига $x \rightarrow yz$, $(xy) \leftrightarrow (yz)$ урнига $xy \leftrightarrow yz$ ёзамиз.

